САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.G.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВА НИЛУФАР ТАИРОВНА

АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИНИНГ ЛАНДШАФТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ВА ГЕОЭКОЛОГИК ВАЗИЯТИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

11.00.01 – Табиий география

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

УДК 551.4 (575.114)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сабирова Нилуфар Таировна
Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтлар трансформациясига таъсирини баҳолаш ва геоэкологик вазиятини оптималлаштириш..... 3

Сабирова Нилуфар Таировна
Оценка влияние Айдар-Арнасайской озёрный системы на трансформацию ландшафтов и оптимизации геоэкологических ситуации..... 21

Sabirova Nilufar Tairovna
Assessment of the impact of the Aydar-Arnasay lakes system on the transformation of landscapes and the optimization of geoecological situations…… …… 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..... 43

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05.30.2018.G.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САБИРОВА НИЛУФАР ТАИРОВНА

АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИНИНГ ЛАНДШАФТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ВА ГЕОЭКОЛОГИК ВАЗИЯТИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

11.00.01 – Табиий география

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Gr92 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (samdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим тармоғига (www.ziyonet.uz.) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Аббасов Субхон Бурхонович** география фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Ўразбоев Абдукарим Кендербаевич** география фанлари доктори
	Алимқулов Нустратулла Рахмонқулович География фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 05.30.2018.G.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 18 январь соат 10^{00}даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд, Университет хиёбони, 15 уй. Самарқанд давлат университети бош биноси 105-хона, тел.: (0366) 239-16-36, факс: (0366) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2018@mail.ru)

Диссертация билан Самарқанд далат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2020 йил «__»_____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__»_____даги___рақамли реестр баённомаси).

С.Б.Аббасов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, г.ф.д.

Қ.С.Ярашев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
география фанлари бўйича PhD

А.Рахматуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д.(DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли сонининг ўсиб бориши, табиий ресурслардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг ортишига ва шу билан бирга атроф ландшафт комплексларида турли хил ўзгаришлар, чўлланиш, деградация, ташлама сувлардан ҳосил бўлган антропоген ирригацион кўлларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурининг 15-бандида «қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш, тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерлар деградациясини тўхтатиш, биологик хилма-хилликни йўқолишини олдини олиш»[1]га қаратилган вазифалар белгиланган. Бу вазифалар арид иқлимли минтақаларда антропоген ва табиий омиллар таъсирида рўй бераётган ландшафт комплексларининг трансформацияси жараёнини баҳолашни ва уларни сунъий йўлдошлар ёрдамида мониторинг қилишни ҳамда ландшафтларнинг экологик барқарорлигини такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳон миқёсида, глобал иқлим ўзгариши шароитида қурғоқчил минтақа кўлларнинг туташ ландшафтлар ўзгаришига таъсирини тадқиқ қилиш, улардаги экстремал ҳолатларни баҳолашга, табиий географик комплекс элементларини таҳлил қилишга, биохилма-хиллигини сақлашга ҳамда улардан самарали фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда ландшафтлар трансформациясини масофавий зондлаш методлари ёрдамида аниқлаш, улардаги ҳолат ўзгаришларини ГИС, аэрокосмик, дала тадқиқотлари ёрдамида такомиллаштириш, геоэкологик вазиятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ландшафтлар барқарорлигини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича янгича илмий концепцияларга асосланган кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш зарурати юзага келди.

Мамлакатимизда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, экологик ҳавфсизлик ва уни барқарорлаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, «аҳолининг экологик ҳавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш» ва атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш»[2] алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бу борада ноёб объект саналган Айдар-Арнасой кўллар тизимининг экстремал (сув сатҳини кўтарилиши ва пасайиши) вазиятларини таҳлил қилиш, ландшафтлар трансформациясига таъсир қилувчи омилларни

---

[1] Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: http://www.uz/undp/org/content/ uzbekistan.ru

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тадқиқ қилиш, баҳолаш ҳамда кўл атрофи генофондидан самарали фойдаланиш, уларнинг экологик хавфсизлигини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863- «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитини муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сонли «Айдар-Арнасой кўллар тизимининг биологик ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 апрелдаги 347-сонли «Айдар-Арнасой кўллар тизимининг биологик ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. “Ер ҳақидаги фанлар”, V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унга туташ ландшафтларнинг табиий шароити, экосистемаси, фауна ва флораси, сув баланси, сув сифати кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар хорижий олимлар M.Groll et al., S.Wahyuni et al., K.Rodina, J.F.Cretaux et al, B.Wiłkomirski, мамлакатимиз географ олимлар Л.А.Алибеков, А.А.Рафиқов, С.Б.Аббасов, Н.Алимқуловлар, эколог Р.Қулматов, гидролог А.М.Никитин, Н.Е.Горелкин, Э.И.Чембарисов, геоботаник Ғ.У.Қодиров ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий изланишларда ёритилган.

Ландшафтлар трансформациясига оид назарий-методологик тадқиқотлар МДҲ мамлакатларида Ф.Н.Мильков, Г.Ф.Хасанова, В.И.Булатов, В.И.Федотов, П.Г.Шишенко ва Ўзбекистонлик А.Абдулқосимов сингари олимларнинг илмий тадқиқотларида учрайди.

Аммо, ушбу тадқиқот ишларида Айдар-Арнасой кўллар тизимининг экстремал ҳолатлари (сув сатҳини кўпайиши ва камайиши) билан боғлиқ жараёнлар ва кўлни туташ ландшафтлар трансформациясига таъсири тадқиқ этилмаган ҳамда замонавий методларни қўллаш ёрдамида баҳоланмаган, кўл атрофи ландшафтлардаги экологик хавфсизлик чора-тадбирлари такомиллаштирилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлар режасининг 01-Ф8-07 «Тоғ геосистемаларида чўлланиш жараёнини таянч тажриба

участкалари ёрдамида ўрганиш, баҳолаш ва карталаштириш (Ғубдин тоғи мисолида)» фундаментал лойиҳаси (2017-2019) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтлар трансформациясига таъсирини баҳолаб, ажратиб олинган таянч тадқиқот участкалари доирасида уларнинг ўзгаришини аниқлаш, табиий географик комплекслар имкониятларидан самарали фойдаланиш ва экологик хавфсизлигини барқарорлаштириш борасида таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ландшафтлар трансформациясининг баҳолаш методларини илмий асослаш;

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтлар трансформациясига таъсирини масофавий зондлаш ёрдамида таҳлил қилиш;

кўл атрофи ландшафт комплексларининг таксономик бирликлар доирасида ўрганиш ва таснифлаш мезонларини такомиллаштириш;

кўл атрофи ландшафт комплексларини 1:2 000 000 масштабдаги ва таянч тадқиқот участкаларининг йирик 1:200 000 масштабли карталарини яратиш;

кўл ва унга туташ агроирригацион ландшафтларнинг ўзаро алоқадорлигини баҳолаш;

кўл атрофи ландшафтларнинг геоэкологик вазиятига таъсир этувчи омиллар аниқлаш ва уларни хавфлилик даражасини кўрсатувчи карталарни яратиш;

кўлга туташ ландшафтларидан самарали фойдаланиш, кўлнинг суви чекинган тубида фитомелеоратив тадбирлар олиб бориш ҳамда геоэкологик вазиятини оптималлаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унга туташ ҳудудлар (Шимолий Нурота тоғларининг шимолий ёнбағри, Мирзачўл ва Шарқий Қизилқум чўллари) ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ландшафтлар трансформациясига таъсир этувчи омиллар ва геоэкологик вазиятини агроирригацион ландшафтлар билан ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари дала тадқиқот, аэрокосмик, статистик, таққослаш, баҳолаш, масофавий зондлаш (Landsat), ГИС технологиялари, картографик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унга туташ бўлган ҳудудларнинг ландшафтлар трансформацияси масофавий зондлаш (Landsat 4-5 TM EVI, Landsat 7; 8 EVI) методлари ёрдамида аниқланган;

Айдар-Арнасой кўллар тизимига туташ ландшафтларнинг 1:2000 000 масштабли ва таянч тадқиқот участкаларининг йирик (1:200000) масштабли ландшафт карталари (Landsat EVI ва ArcGIS дан фойдаланиб) яратилган;

кўл атрофи агроирригацион ландшафт комплексларининг ўзгариш жараёнларини деградацияда баҳолаш таснифлари ишлаб чиқилган;

кўл атрофи ландшафт комплексларининг экологик ҳолатини оптималлаштиришда Landsat радиометрик кўрсаткичларни қўллаш асосида мониторинг қилиш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтлар трансформациясига таъсирини масофавий зондлаш Landsat сунъий йўлдошининг вегетацион индекслари ёрдамида аниқлаш имкониятлари такомиллаштирилган;

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг атроф ландшафтларининг 1:2000 000 масштабли ва таянч тадқиқот участкаларининг йирик 1:200 000 масштабли ландшафт карталари яратилган;

кўл ва унга туташ агроирригацион ландшафтларнинг ўзаро алоқадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

кўл атрофи ландшафтларнинг геоэкологик вазиятига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, уларни хавфлилик даражасини кўрсатувчи картаси яратилган;

кўл атрофи ландшафтларидан самарали фойдаланиш, геоэкологик вазиятини оптималлаштириш ва экологик хавфсизлигини барқарорлаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкасаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Жиззах вилояти гидрометеорология бошқармаси, Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳафаза қилиш бошқармаси, Жиззах вилояти Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, Жиззах вилояти Ўрмон хўжалиги бошқармаси статистик маълумотлари, Самарқанд шаҳри «Сувоқова» бошқармасининг ташлама сувларни аналитик таҳлил қилиш лабораторясининг натижалари, Landsat EVIнинг серияли маълумотлар баъзаси, яратилган ландшафт карталарини амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ландшафтлар трансформациясининг баҳолаш мезонларини таснифлаш, геоэкологик вазиятини оптималлаштириш тенденцияларининг илмий–методологик асослари такомиллашганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Айдар-Арнасой кўллар тизимининг экстремал (сув сатҳини кўтарилиши ва пасайиши) ҳолатларини масофавий зондлаш ёрдамида баҳолаш, мониторинг тизимини такомиллашганлиги кўл атрофи ерлардан самарали фойдаланишга ва фитомелеоратив ҳолатини яхшилашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтлар трансформациясига таъсирини баҳолаш ва геоэкологик вазиятини оптималлаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофининг ландшафтлар трансформациясини баҳолаш Landsat EVI карталари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 декабрдаги 02-02-8693-сонли маълумотномаси). Натижада кўл атрофи ерларидан оқилона фойдаланиш режасини такомиллаштириш имконияти яратилган;

Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофининг 1:2000000 масштабли ландшафт картаси ҳамда йирик 1:200000 масштабли таянч тадқиқот участкаларининг ландшафт карталари “Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳудудининг кадастр йиғма жилдини тайёрлаш ва ҳудуднинг жойлашишини ифодаловчи батафсил электрон харитасини ишлаб чиқиш” вазифаларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 декабрдаги 02-02-8693-сон маълумотномаси). Натижада кўл ҳавзалари ва кўл атрофи ландшафтларидан мақсадли фойдаланиш ва уларни мониторинг қилиш имконияти яратилган;

кўп йиллик (1990-2018 йиллар) аэрокосмик (Landsat EVI) суратлар ёрдамида кўл атрофи агроирригацион ландшафт комплексларида аниқланган ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 декабрдаги 02-02-8693-сонли маълумотномаси). Натижада агроирригацион ландшафт комплексларнинг деградация жараёнини мониторинги ва космик суратларини дешифровка қилиш алгоритмини такомиллаштириш имконини берди;

Айдар-Арнасой кўллар тизими ландшафт карталарини тузишдаги картографик шартли белгилар, ландшафт карталарини таснифлашда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 декабрдаги 02-02-8693-сонли маълумотномаси). Натижада карталарнинг ўқувчанлигини ва визуаллигини такомиллаштиришга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларидан иборат. Диссертация матн қисми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтлар трансформациясига таъсирини тадқиқ қилишнинг илмий–методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида ландшафтлар трансформациясини тадқиқот қилиш ва уларнинг илмий-назарий, методологик асослари очиб берилган**.**

Ландшафтшунослик фанида «трансформация» атамаси асосан, 1960 йиллардан кейин энг кўп қўлланила бошланган. Бу даврда инсониятнинг табиатга таъсири туфайли ландшафтлардаги кучли ўзгариш илмий тадқиқот ишларида антропоген трансформация ёки ландшафтларни антропоген трансформация тарзида эътироф этилган ҳамда табиатда содир бўлган ва бўлаётган барча ижобий, салбий ўзгаришлар инсон хўжалик фаолияти билан узвий боғлиқ эканлиги таъкидланган. «Ландшафтлар трансформацияси» термини кўпгина олимларнинг жумладан Ф.Н.Мильков (1986), А.Абдулқосимов (1980, 1984), В.С.Залетаев (1989), Г.Ф.Хасанова (2018), В.И.Федотов (1985), В.И.Булатов (1996), П.Г.Шишенко (1999) ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида учрайди. Ушбу олимлар илмий тадқиқот ишларида кўпроқ ландшафтларнинг антропоген трансформациясига таъриф беришган. Ваҳоланки, ландшафтлар трансформацияси антропоген, антропоген-табиий, табиий трансформация шаклида номоён бўлади.

Ландшафтлар трансформацияси бу – ташқи таъсир натижасида (табиий, антропоген) ландшафтларни ўзгариши яъни, бир ландшафт ҳолатидан бошқа ландшафт ҳолатига алмашиниши ва динамик жараёнлар маҳсулидир. Агар, ландшафт комплексларининг ўзгариши маълум бир критик қийматдан ошмаса, дастлабки ҳолатдаги ўзгаришлар қайта тикланиши мумкин, бу вақт серияси ва ритмиклик билан белгиланади ҳамда ландшафтлар динамикаси саналади. Ҳудди шундай ўзгариш критик қийматдан ошса, табиий комплекслардаги мувозанат муқаррар равишда бузилади. Аввалги ҳолатига қайтганда ҳам олдинги ҳолатдаги деформация сақланиб қолади ва бу ландшафтлар трансформация ҳисобланади.

Ландшафтдаги барча табиий копмонентлар ўзаро боғланган экан, биронбир компонентнинг ўзгариши бошқаларига ҳам таъсир қилмасдан қолмайди.

Ландшафтларнинг трансформацияси жараёни табиий компонентларнинг барча кўринишларида: иқлим, тупроқ қоплами, ўсимлик, ҳайвонот дунёсида ўз аксини топади.

Ф.Н.Мильков (1973) Инсон томонидан яратилаган сув ҳавзалари кўпинча номутаносибликларни келтириб чиқариши мумкинлигини таъкидлайди. Айдар-Арнасой кўллар тизими (ААКТ) антропоген кўл бўлишига қарамасидан, атрофидаги ландшафтлар табиий трансформация жараёнида ривожланиб бормоқда. Улар ижобий ва салбий таъсир натижаси билан белгиланади. Кўл таъсирида атроф ландшафтларнинг қуйидаги компонентларида; фауна ва флорасининг сони ва тури, рельеф (қирғоқ емирилиши), иқлим, ер ости сувлари сатҳи, тупроқ қопламида (автоморф тупроқлар ярим гидроморф ва гидроморф тупроқларга алмашиниши) ўзгаришлар кузатилди.



1-расм. Айдар-Арансой кўллар тизимига туташ ландшафтларда баҳорги вегетацион жараёнларнинг MODIS Terra Daily EVI карталари.

Кўлнинг ландшафтлар трансформациясига таъсирини тадқиқ этишда, ландшафт комплексларини таксономик бирликларга ажратиш ва ландшафт комплексларини ўзаро алоқадорликларини ҳисобга олиш принципи ҳамда дала тадқиқотлари, аэрокосмик ва масофавий зондлаш (Landsat), ГИС методларидан кўпроқ фойдаланилди. Ландшафтлар трасформациясини тадқиқ этишда Landsatнинг барча серияли дастурларидан фойдаланилди. Ландшафтлардаги трансформация жараёнида тадқиқ этишда Landsat

вегитацион индекслардан EVI – **(**Enhanced Vegetation Index - ўсимликларнинг кенгайтирилган вегетацион индекси) (Landsat 4 TM EVI-1982-1993; Landsat 5 TM EVI-1984-2012; Landsat 7 EVI-1999-2018; Landsat 8 EVI-2013-2018) дан фойдаланилди. EVI шундай вегетацион индекс бўлиб, унда суткалик маълумотлар билан бирга, булутсиз кунлардаги ойлик, шу билан бирга кетама-кетликдаги кунлик ва кўп йиллик маълумотни таҳлил қилиш мумкин. EVI, NDVIга нисбатан хлорофилга сезувчанлиги ўта юқори. Паст биомассали ҳудудларда ҳам ўсимликларни ўта юқори сезувчанлик билан мониторинг қилади. Турли атмосфера қаршиликларига (аэрозол) ўта чидамли. Ушбу хусусиятларига кўра Landsat EVIни айнан арид минтақалари учун хос оптимал индекс деб таъкидлаш мумкин ва унинг қиймати 1,0 дан -1,0 гача деб қабул қилинган.



2-расм. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтлар трансформациясига таъсирини (ёзги, июль-август ойларидаги) EVI карталари.

EVIнинг кунлик маълумотларини MODIS Terra Daily EVI дастури орқали таҳлил қилиш мумкин (1-расм). Шунингдек, ландшафтлар трансформациясига таъсирини баҳолашда ҳам EVIдан фойдаланилади (2-расм).

Диссертациянинг **«Айдар-Арнасой кўллар тизимига туташ ландшафтларни шаклланишига таъсир этувчи омиллар»** деб номланган иккинчи бобида, ААКТга унга туташ ҳудуднинг географик ўрни, кўлнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи, кўлга туташ ҳудудларнинг табиий шароити ва уларнинг ландшафтларни шаклланишидаги роли, ААКТга туташ ландшафтларнинг таснифлаш тамойиллари ва уларни бўлиниш қонуниятлари ёритилган.

Тўпланган дала материаллари ва илмий адабиётлар таҳлили асосида,

ААКТнинг шаклланиши уч даврга бўлиб ўрганилган. Биринчи давр- дастлаб Тузкон кўлининг шаклланиш давридан то 1969 йилгача, иккинчи-1969 йилдан 1994 йилгача, учинчи давр-1995 йилдан ҳозирги давргача.

Ҳозирги вақтда, ААКТ Жиззах вилоятидаги Оқбулоқ, Сангзор дарёсининг Қли ташламаси, Чордара сув омбори ва Арнасойга қуйилаётган Марказий Мирзачўл коллектор сувлари ташламаси ҳисобига тўйинмоқда. Фақатгина, сув сатҳининг юқори даражада кўтарилган даврлари (1969 йилда 21,8 км^3, 1994 йилда 9 км^3 сув ташланади) Чордара сув омбори билан боғлиқ (3-расм).

3-расм. Айдар-Арнасой кўллар тизимига Чордара сув омбори ва ирригацион ташлама сувлар оқими. (ЎзГМИТИ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган).

ААКТнинг ўртача йиллик буғланиши 1200 ммга тенг ва кўл суви юзасидан тахминан йилига 3,8-4,2 км^3 сув буғланади. Сўнги вақтларда кўл сув сатҳини сунъий йўлдош ёрдамида тадқиқ қилган француз олимлари Ж.Ф.Кретаух ва бошқалар кўл сувининг чекинаётганлигини, унинг камаяётганлигини таъкидлашмоқда (Cretaux et al., 2015). Кўл суви 2011-2013 йиллар оралиғида 7,8 км^3, биргина 2013 йилнинг ўзида 1,9 км^3 камайган. Ушбу йиллардан то 2018 йилгача бўлган давргача кўлнинг сув сатҳи 245 метр мутлоқ баландликдан пастга (244-243 метр мутлақ баландлик) тушган. Кўл морфометрик кўрсаткичларида ҳам сезиларли ўзгариш кузатилмоқда. Сув ҳажми 44,1 км^3 дан 37,3 км^3, майдони 3373 км^2 етган. Бу каби кўл сувининг экстремал (сув сатҳининг камайиши ёки кўтарилиши) ҳолатлари кўлга туташ бўлган ҳудудларга ўз таъсирини кўрсатиб, турли ҳил ландшафт кўринишларини ҳосил қилишига сабаб бўлмоқда.

ААКТнинг глобал иқлим ўзгариши шароитида уни маҳаллий иқлимга таъсирини ҳам таҳлил қилиш мумкин. Маҳаллий иқлимга таъсирини аниқлаш учун, кўлга энг яқин Жиззах ва кўлдан 120 км узоқликда жойлашган

Самарқанд метеорологик станцияларининг кўп йиллик 1890 йилдан 2010 йилгача бўлган ҳар 10 йиллик ўртача иқлим кўрсаткичлари тўғрисидаги декада маълумотлари олинди. Таҳлиллар, ёзги ўртача ҳаво ҳарорати 1890-2010 йиллар давомида Самарқанд вилоятида +0,4 С° ошганини ва шу даврда Жиззах вилоятида 1,4 С° га пасайиш кузатилганлиги аниқланди. Ундан ташқари кўл атрофидаги метеорологик станцияларда ёғингарчилик, булутли ва туманли кунлар каби иқлим элементлари кўп кузатилмоқда. Лекин, ёзнинг (июл ойининг) максимал ҳарорати бундан мустасно. Кейинги йилларда июль ойида ҳаво ҳарорати барча минтақаларда юқори бўлаётгани каби, кўлга туташ станцияларда ҳам юқори даражаларни кўрсатмоқда. Бундай иқлим ўзгаришини германиялик географ, иқлимшунос олим М.Гролл (2016) 2050 йилга бориб, Жиззахда ўртача ҳаво ҳароратининг 16,5-17,0 $С^0$ тенг бўлишини башорат қилади. Бу эса кўллар тизимида буғланишни янада ошишига, кўлга туташ ҳудудлар деҳқончилигида суғоришга бўлган талабни ортишига олиб келади. Натижада, Чордара сув омборидан сув ташлаш камайиши мумкин. Кўллар тизими фақатгина коллектор-дренаж сувлари ҳисобига тўйинадиган бўлиб қолади. Ушбу иқлимий ва антропоген омиллар таъсирида кўл сув сатҳи кескин камаяди ва шўрланиш даражаси ортади. Бундай ҳолат фақатгина кўлга эмас, кўл атрофидаги ландшафтларга ҳам жиддий таъсир кўрсатиши, тупроқ, фауна ва флорада ўзгариш рўй бериши мумкин.

ААКТга туташ ландшафтларнинг таснифлаш тамойилларида ландшафтшуносликнинг умумий йўналиши асосида, ландшафт синфи, ландшафт типи, жой типи, урочиша типи, фация типи каби таксономик бирликлардан фойдаланилди ва 2 та (тоғ ва текислик) ландшафт синфига, 2 та (чўл ва тоғ) ландшафт типига, 15 та жой типига шундан 4 таси тоғ ландшафт жой типи ва 11 таси чўл ландшафт жой типига киритилди.

Диссертациянинг **«Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтлар трансформациясига таъсирини баҳолаш»** деб номланган учинчи бобида, кўллар тизимининг ландшафтлар трансформациясига таъсирини баҳолаш, кўлга туташ ландшафтлар трансформациясини таянч тадқиқот участкалар ёрдамида тадқиқ этиш ва карталаштириш, кўл ва унга туташ агроирригацион ландшафтларнинг ўзаро алоқадорлиги таъсирини баҳолаш каби бўлимларга ажратилиб ўрганилди.

ААКТнинг туташ ландшафтлар трансформациясига таъсирини Landsat EVIнинг (Landsat 4 TM EVI - 1982-1993; Landsat 5 TM EVI -1984-2012; Landsat 7 EVI - 1999-2018; Landsat 8 EVI - 2013-2018 йиллар) июль-август ойларидаги маълумотлари таҳлили орқали аниқланди (2-расм).

Бу ҳолат, ёзги ҳаво ҳароратининг кескин юқори (45С°-47С°) бўлишига қарамай, чўллар оралиғида жойлашган кўлнинг ўзига ҳос ландшафт кўринишларини ҳосил қилиши мумкинлиги билан таърифланади ва Landsat EVI (1987, 1995, 2018 йиллар) карталари трансформация жараёнини баҳолашда дишифрировка қилинди.



4-расм. Айдар -Арнасой кўллар тизимининг атроф ландшафт картаси

Landsat EVIнинг серияли маълумотларидан фойдаланиб, ААКТнинг 1967 йилдаги (илмий адабиётлар ва кўл атрофининг 1989 йилдаги топографик картаси асос қилиб олинган), 1987 йил, 1995 йил ва 2018 йилдаги ландшафт карталари тузиш орқали табиий географик комплексларнинг ўзгаришлари аниқланди (4-расм).

ААКТнинг атроф ландшафтларини трансформациясига таъсири кўрсаткичлари баллда баҳоланди (1-жадвал).

1-жадвал

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтлар трансформациясига таъсири даражасини баҳолаш.

Трансформация даражаси	Ландшафтларнинг картадаги рақами (2018 йилдаги ҳолати картаси)	Ландшафт элементларидаги жараёнлар	Трансформа-ция баҳоси, баллда
Паст даражада трансформация	8,12,13,14,15	чўлланиш, тупроқ ювилиши, ёғингарчиликни ортиши, туманли кунларни кўпайиши.	3
Ўртача даражада трансформация	10,5,7,11	деградация, ер ости сувлари сатҳини кўтарилиши, иккиламчи шўрланиш.	4
Юқори даражада трансофрмация	1,2,9	Тўқайзор жой типини шаклланиши, биохилма-хилликни ортиши, ботқоқланиш, шўрхок ботқоқларни юзага келиши, тузли қумоқ чўл тупроқларни шаклланиши	5

ААКТнинг ландшафтлар трансформациясига таъсирини аниқлашда янада кичик табиий географик токсономик бирлигидан фойдаланилди ва уларни урочиша типи доирасида, кўл атрофида тўртта (1. Ғарбий Айдаркўл, 2. Шарқий Айдаркўл, 3. Тузкон кўл атрофи, 4. Арнасой кўл атрофи) таянч тадқиқот участкалари ажратиб ўрганилди. Натижада, кичик таксономик бирликларида трансформация жараёни юқори даражада бораётганлиги аниқланди. Уларни карталарда тасвирлашда урочиша типидан фойдаланилди ва йирик масштабли (1:200000) карталари тузилди. Ушбу карталарни тузишда сифатли ранг, штрихли, ареаллар усуллари ишлатилди. Урочиша типларини таснифлашда реълеф, тупроқ, ўсимлик асос қилиб олинди.

Ҳар қандай трансформация жараёнининг ижобий томони бўлгани каби унинг салбий томонлари ҳам бор. Ушбу, ҳолатлар диссертациянинг кўл ва унга туташ агроирригацион ландшафтларнинг ўзаро алоқадорлиги таъсирини баҳолаш деб номланган қисмида кўрсатилган. Кўлнинг ташлама сувлар ҳисобига тўйинаётганлигини ҳисобга олган ҳолда уларни кўл атрофи ландшафтлари учун ҳавфлилик даражаси баҳоланди. Хавфлилик даражасини индикатори биохилма хиллик, таъсир этувчи омил ташлама сувлар ва уларни баҳолашда фоиз ҳисобидан фойдаланилди ҳамда уларни таснифлашда хавфли, ўртача хавфли, кескин хафли деб тавсифланди.



Шартли белгилар	Таснифи	Баҳоси, фоизда (%)	
	Ҳавфли	25 %	Белгиланган ареал №9,10,11-рақамли ландшафтларни ўз ичига олади. №11 Агроирригацион ландшафтлар дренаж-ташлама сувлари кўллар тизими қуйилади. №9 ландшафтларда шўрхок боткоқлар ва кўлмакчалар мавжуд бўлиб, бу ерда сувда ва боткоқликда яшайдиган кушлар кўним топадиган маскан.
	Ўртача ҳавфли	30 %	Белгиланган ареал №3,5,6,7,12,13,14,15-рақамли ландшафтларни ўз ичига олади, чўлланиш даражаси ўта юкори. Тузли чанглар хавфини ошиши кузатилиши мумкин.
	Кескин ҳавфли	45 %	Кўлга ташлама сувларнинг кимёвий бирикмалари аккумуляция бўлаётганлиги. Сув сатҳининг пасайганлиги, атрофида кумли тузларни йиғилганлиги, мустаҳкамланмаган кум тупрокли №1,4,2 ва ярим мустаҳкамланган кум тупрокли №3 рақамли ландшафтларни ўз ичига олиши. Тузли чанглар хавфининг юкорилиги.

Масштаб: 1:3000000



Айдар-Арнасой кўллар тизими сув сифати кўрсаткичларида аниқланган азот бирикмаларининг миқдори (мг/ дм³ ҳисобида, РЭМ 2,5 мг/ дм³)

5-расм. Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унга туташ ландшафтлар учун ташлама сувларнинг хавфлилик даражасини баҳолаш карта-схемаси.

Ташлама сувлар №9,10,11-рақамли ландшафтларда хафвли бўлса, био хилма-хиллиги юқори бўлган №1,2-рақамли ва мустахкамланмаган қумли чўллардан иборат бўлган №4-рақамли (ушбу ландшафтларда тузли қумларнинг тўпланиши ва тузли чангларни кўтарилиш хавфи юқори) ландшафтлар учун кескин хафли ҳисобланади (4-расм).

Маълумки, дренаж сувлар ёз ва куз ойларида кўллар тизимининг ягона сув манбаи ҳисобланади. Ундан ташқари, дренаж сувларнинг миқдори 1960 йилга нисбатан бугунги кунда ортиб борган. Умуман, коллектор-дренаж тизимларидан йилига 3,5-3,7 км^3 сув кўлга ташланмоқда. Биргина, Марказий Мирзачўл, Оқбулоқ ва Қли ҳар йили кўлга ташланадиган дренаж сувларнинг 97%ини таъминлайди. Кўл сувининг минерализациясининг ошиши унинг сув балансига боғлиқ. Буғланишнинг юқорилиги ва дренаж сувларининг кўп қуйилиши кўл сувининг сифат кўрсаткичларига таъсир қилади.

Агроирригацион ландшафтларнинг кўлга таъсири бўлгани каби, кўлнинг суғориладиган ерларга таъсири кузатилмоқда. Кўл агроирригацион ландшафтларнинг ер ости сувларини кўтарилишига таъсир қилмоқда. Унинг натижасида ушбу ландшафтларда иккиламчи шўрланиш, ботқоқланиш юз бермоқда. Кўллар тизимининг агроирригацион ландшафтларга таъсирини Landsat EVI масофавий зондлаш орқали мониторинг қилинди. Олинган натижалардан деградация жараёни (юқори, ўртача, паст, деградацияланмаган ва ҳокозо) баҳоланди.

Кўлнинг агроирригацион ландшафтларга таъсири унга туташ бўлган Жиззах вилоятининг Арнасой, Дўстлик, Зафаробод, Мирзачўл, Пахтакор ва кўлдан узоқроқ жойлашган Шароф Рашидов туманлари мисолида таҳлил қилинди. Натижада, ер ости сувлари сатҳи ва иккиламчи шўрланиш Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл, Зафаробод туманларида юқори, Пахтакор туманида ўртача ҳамда Шароф Рашидов туманида паст даражада эканлигини аниқланди. Ушбу ҳудудларда ерости сувлари 0-2 метргачани ташкил этадиган майдонлар 1995 йилдан 1999 йилгача жуда юқори даражада бўлган. Бу даврда кўл сувининг сатҳи ҳам кўтарилган ва гидроситатик босим туфайли агроирригацион ландшафтларнинг ерости сувлари сатҳида ўзгариш кузатилган.

Диссертациянинг «**Трансформацияланган кўл атрофи ландшафтлардан самарали фойдаланиш ва геоэкологик вазиятини оптималлаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида, кўл атрофи ландшафтларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, ландшафтларининг экологик ҳолатини оптималлаштириш ва мониторинг қилиш, ландшафтларнинг экологик хавфсизлигини барқарорлаштириш масалалари ўз ечимини топган.

Кўлнинг ландшафтлар трансформациясига таъсири натижасида унинг атрофида 5 км дан 10 кмгача бўлган радиусда тўқайзор ландшафтлари шаклланган. Ушбу ландшафтларда кейинги вақтларда экотуризм мақсадларида фойдаланиб келинмоқда. Кўл атрофининг ноёб ландшафт элементларини ҳисобга олсак, ушбу ҳудудларда экологик туризмни янада

ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ундан ташқари кўл халқаро аҳамиятга ҳам эга ва у 2008 йилда Рамсар “Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисида”ги конвенцияси рўйхатига ҳамда CITES - *(Convention of International Trade in Endangered Species of wild fauna and flora)* йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан савдо қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияларига киритилган. Бу каби ҳолатларни инобатга олсак, кўл тизимида экотуризмни ривожлантиришнинг халқаро миқёсдаги чора-тадбирларини ҳам тузиш керак бўлади. Шунингдек, кўлга туташ ҳудудлардан самарали фойдаланишда атрофдаги тоғ ва тоғолди ландшафтларида аччиқбодом, писта, ёнғоқ каби ўсимликларни экиб етиштириш, кўл аквал ландшафтларида балиқчилик хўжалигини турли интенсив усуллардан фойдаланиб ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Кўл атрофи ландшафтларининг геоэкологик вазиятини оптималлаштиришда энг аввало ушбу ҳудудлар учун мониторинг тизимини такомиллаштириш зарур бўлади. Булардан мософавий зондлаш Landsat EVI, NDWI, MSI, SAVI, ARVI каби радиометрик кўрсаткичлари тавсия қилинди. Бу радиометрик кўрсаткичлар кўпроқ кўлга туташ бўлган ва унга таъсир кўрсатаётган агроирригацион ландшафтларни мониторинг қилиш мумкин. Ушбу радиометрик кўрсаткичлар орқали суғориладиган ерлардаги турли геоэкологик вазиятларни аниқлаш ва уларни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин.

Сўнги вақтларда кўл сувининг сатҳида камайиш кузатилмоқда. Сунъий йўлдошлар ёрдамида мониторинг қилинганда кўл атрофиги 5 км гача бўлган радиусда тузли қумларни йиғилганлиги аниқланди ва ушбу ҳолатларни оптималлаштиришда кўлнинг сув чекинган тубида саксовул, қандим, қум акацияси экиб, қумли туз тупроқларни мустаҳкамлашни ва мавжуд ўрмон хўжалиги ерларини кўл атрофидаги 5 км радусда кенгайтириш тавсия қилинди.

ХУЛОСА

Бажарилган тадқиқот асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Ландшафтлар трансформациясини тадқиқ қилишда аэрокосмик, масофадан зондлаш методларини қўллаш қулай. Булардан Landsat EVI (Enhanced Vegetation Index-ўсимликларнинг кенгайтирилган вегетацион индекси)дан фойдаланиш тадқиқот ишининг аниқлигини оширади. ААКТга туташ ландшафтлар трансформацияси жараёнини Landsat EVIда мониторинг қилишнинг энг оптимал даври Июль-Август ойлари ҳисобланади. Ушбу вақтдаги EVI косимик суръатларни дишифрировка қилиш мақсадга мувофиқ.
2. Масофавий зондлаш MODIS Terre Daily EVI, Landsat 4-5 TM EVI ва Landsat 7-8 EVI ёрдамида кўлга туташ ландшафтларда вегетацияли даврининг оптимал шароити ва ландшафт комплексларининг трансформация жараёнлари таҳлил қилинди ва баҳоланди. Бу каби таҳлил ва баҳолаш EVI карталари кўл атрофининг ландшафт карталарини тузишда асос бўлади.
3. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг атроф ландшафтларни

таснифлашда умумий йўналиш асосида, ландшафт синфи, ландшафт типи, жой типи, урочиша типи ва фация типи каби таксономик бирликлардан фойдаланилди. Ландшафтларни йирик таксономик бирликка ландшафт синфига ва унинг доирасида тоғ ва текислик ландшафт типларига ҳамда тоғ ландшафтлари 4 та ва текислик ландшафтлари 11 та жой типига ажратилди. Ландшафтлар трансформацияси жараёнини табиий географик комплекслар таксономик доирасида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

4. ААКТ атрофининг 1:2000000 масштабли ҳамда таянч тадқиқот участкаларининг йирик 1:200000 масштабли ландшафт карталари Landsat EVI ва ArcGIS асосида яратилди. Ушбу карталар кўл ва унинг атроф ландшафтларидан самарали фойдаланиш имкони яратади.

5. Кўл ва унга туташ агроирригацион ландшафтлар ўзаро алоқадор бўлиб, кўл атрофида оптимал муҳит яратиш ва ландшафтларини барқарор сақлаш учун кўлга туташ агроирригацион ландшафтлардаги рўй бераётган муаммоларни ечимини топиш муҳим ҳисобланади. Ушбу ечимларни топишда, масофавий зондлаш Landsat сунъий йўлдошининг вегетацион индекслари EVI, NDWI, SAVI, ARVI, NSI билан мониторинг қилиш тавсия этилади. Кўлга туташ агроирригацион ландшафтларни ушбу индекслар ёрдамида мониторинг қилиш келажакда суғориладиган ерлардан тўғри ва интенсив фойдаланишни таъминлайди.

6. Глобал иқлим ўзгаришини инобатга оладиган бўлсак, келажакда кўллар тизимида буғланиш миқдори янада ошади. Суғорма деҳқончиликка бўлган талаб жадаллашиб боради ва Чордара сув омборидан сув ташлаш камаяди. Дренаж сувларининг миқдори кўпаяди ва кўл сувининг сифат кўрсаткичларига таъсир қилади. Ушбу иқлимий ва антропоген омиллар таъсирида кўлнинг ҳажми камаяди ва минерализацияси ошади. Бунинг учун Сирдарё сув ресурсларини тўғри бошқариш режаларини тузиш, суғориладиган ерлардан чиқаётган коллектор-дренаж сувларини кўлга ташланишини камайтириш, кўлга туташ агроирригацион ландшафтларни меъёрдан ортиқ суғоришни назорат қилиш, қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштириш, кам сув талаб қиладиган ўсимликлар экишни жорий қилиш ҳамда ААКТ сувининг минерализация даражасини ортишининг олдини олиш учун Чордара сув омборидан йилига 2,0-2,5 км^3 сув ташланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

7. Кўл атрофи ландшафтлари қулай табиий шароитга эга бўлиб, унинг атрофида экотуризм, рекреация, акваль ландшафтларидан балиқ хўжаликлари, тоғолди ландшафтларида эса писта, аччиқбодом экишни такомиллаштириш мумкин.

8. Кўл сув сатҳида 2008 йилдан кейин кўтарилиш кузатилмаган. Кўл сув сатҳи чекиниб бормоқда. Унинг атрофи 5 км радиусдаги мустаҳкамланмаган қумли чўл ландшафтларида, қумли тузлар мавжудлиги аниқланди. Бу ҳолатлар келажакда тузли чангларни хафвини ошириши мумкин. Бунинг олдини олишда кўл атрофининг 5 км радиусида саксовул, қандим, қум акацияси экиб оптималлаштириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.G.02.07
ПО ПРИСВОЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САБИРОВА НИЛУФАР ТАИРОВНА

ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ АЙДАР-АРНАСАЙСКОЙ ОЗЁРНОЙ СИСТЕМЫ НА ТРАНСФОРМАЦИЮ ЛАНДШАФТОВ И ОПТИМИЗАЦИЯ ГЕОЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ

11.00.01 – Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2020

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.2.PhD/Gr92

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу (www.ziyonet.uz) информационно-образовательного портала “ZiyoNet”.

Научный руководитель: **Аббасов Субхон Бурхонович**
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Уразбоев Абдукарим Кендербаевич**
доктор географических наук, профессор

Алимкулов Нусратулла Рахмонкулович
кандидант географических наку, доцент

Ведущая организация: **Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится 18 январь 2020 г. в 10^{00} часов на заседании ученого совета DSc.05.30.2018.F.02.07 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Главный корпус Самаркандского государственного университета Тел.: (0366) 239-16-36, факс: (0366) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2018@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре в Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №___). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (0366) 233-60-87; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «____»_____2020 года
(протокол реестра №____ от «____» _____ 2020 года).

С.Б.Аббасов
Председатель научного совета по присвоению ученых степеней, д.г.н.

К.С.Ярашев
Ученый секретарь научного совета по присвоению ученых степеней, PhD по географическим наукам

А.Рахматуллаев
Председатель научного семинара при научном совете по присвоению ученых степеней, д.г.н. (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Рост населения в мире приводит к увеличению спроса на природные ресурсы и, в то же время, к различным изменениям в природном ландшафте, опустынивании, деградации, ирригационных озёр. В частности, пункт 15 Программы ООН по устойчивому развитию до 2030 года поставлены задачи «…защита и восстановление экосистем суши, их оптимальное использование, рациональное управление лесами, борьба с опустыниванием, предотвращение деградации земель и биологического разнообразия…» [1]. Эти задачи требуют оценки процесса трансформации ландшафтных комплексов под воздействием антропогенных и природных факторов в аридных климатических условиях и их спутникового мониторинга и повышения экологической устойчивости ландшафтов.

Во всем мире особое внимание уделяется изучению воздействия засушливых регионов на прилегающие ландшафты в контексте глобального изменения климата, оценке их экстремальных условий, анализу элементов естественной географической сложности, их сохранению и эффективному использованию. В связи с этим необходимо провести обширные исследования, основанные на новых научных концепциях трансформации ландшафта с использованием методов дистанционного зондирования, улучшения их состояния с использованием ГИС, аэрокосмических, полевых исследований, факторов, влияющих на геоэкологические условия, сохранения и эффективного использования ландшафтов.

В нашей стране предпринимаются ряд мер в области экологии и охраны окружающей среды, рационального использования природных ресурсов, борьбы с опустыниванием, экологической безопасности и ее стабилизации. В «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг» особый приоритет - «…обеспечение населения, живущего в экологически безопасной среде…» и предотвращение экологических проблем, которые могут нанести вред окружающей среде, здоровью населения и генофонду. В связи с этим важное значение придаётся анализу экстремальной ситуации (повышение или понижение уровния воды) на Айдар-Арнасайской озёрной системе как уникального объекта, изучению оценки факторов, влияющих на трансформацию ландшафта, и улучшения использования генофонда озера, повышению его экологической безопасности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит исполнению задач, определённых в Указе Президента Республики Узбекистан от 30 октября 2019 года ПФ-5863 «Об утверждении концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года», Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 марта 2017 года № 124 «Об организационных мерах по рациональному использованию

[1] Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: http://www.uz/undp/org/content/ uzbekistan.ru

биологических ресурсов Айдар-Арнасайской озёрной системы» и Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 апреля 2019 года № 347 «О мерах по дальнейшему повышению эффективности использования биологических ресурсов Айдар-Арнасайской озерной системы» и других нормативного-правовых документов, имеющих отношение к соответствующей сфере.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего учебного заведения, где выполнена работа. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды»; VIII. «Науки о земле».

Степень изученности проблемы. Исследования о природных условиях, экосистемах, фауне и флоре, водном балансе и показателях качества воды в Айдар-Арнасайской озерной системе и прилегающих к нему ландшафтах, проводили такие зарубежные ученые, как M.Groll et al., S.Wahyuni et al., K.Rodina, J.F.Cretaux et al, B.Wiłkomirski, учёные географы нашей страны Л. А. Алибеков, А. А. Рафиков, С. Б. Аббасов, Н. Алимкулов, эколог Р.А.Кулматов, гидролог А. М. Никитин, Н. Е. Горелкин, Е. И.Чембарисов, геоботаник Г.У.Кадыров и других ученые.

Теоретико-методологические исследования по ландшафтной трансформации в странах СНГ проводили, такие ученые, как Ф.Н.Мильков, Г.Ф.Гасанова, В.И.Булатов, В.И.Федотов, П.Г.Шишенко, а в Узбекистане такие исследования проводил А.Абдулкосимов.

